



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ Кундалик ГАЗЕТАСИ

№ 108 (11.919)

Баҳоси эркин нарҳда



## БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

Аввал хабар берганимиздек, «Ўзэкспомарказ» мажмуасида анъанавий Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг дастлабки босқичи — саноат тармоқлари ярмаркалари ўз ишини давом эттирмоқда. Бу ерда геология, ёнилғи-энергетика, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати тизимидаги янгилик, сўнги ютуқлар намойишга қўйилган.

Мажмуанинг очик майдонини айланар эканмиз, мамлакатимиз саноатининг етакчи тармоқлари тасарруфидоги 80 дан зиёд компания, корхона, ташкилотлар ҳамда кичик корхона ва хусусий тадбиркорлик субъектлари стендларида 1600 турдаги сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар, шулардан 60 хил янги товарлар қулай жойлаштирилганлиги билан эътиборимизни ўзига тортди. Улар орасида «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти, «Навоий кон-металлургия комбинати», «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик жамиятлари, «Ўзбекнефтегаз» Миллий холдинг компанияси, Давлат Геология қўмитаси каби салмоқли ташкилотлар муносиб ўрин олган. Ишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасида мустаҳкам кўприк вазифасини ўтаётган мазкур тадбирга халқаро мақом берилишининг бежиз эмаслигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

### ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



#### Саноатчилар кўриги

#### КООПЕРАЦИЯ — ҲАМКОРЛИКНИНГ САМАРАЛИ УСУЛИ

Ташриф буюрувчиларни кўргазма стендларининг аксарияти импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлардан иборатлиги мамнун қилмоқда. Бу саноатимизнинг жадал ривожланаётгани, экспорт салоҳияти юксалиб бораётганидан далолат беради.

Тадбир доирасида қатор корхона, товарлар тақдими, соҳалар етакчи мутахассислари иштирокида семинар йиғилишлар ўтказилди. Энг

асосийси, ярмарканинг биринчи кунидеёқ ўнлаб келишув шартномалари тузилгани Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг алоҳида мавқеидан далолатдир.

Бир сўз билан айтганда, ярмарканинг узлуксиз фаолияти йўлга қўйилгани нафақат ҳудудий ва тармоқ ичида, балки тармоқларо ва халқаро алоқаларни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришга хориж инвестициясини жалб этиш, янги ҳамкорлар иштирокида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш имконини янада кенгайтиряпти.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА  
Козим Ўлмасов олган сурат

### ЧЕХИЯ ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизга ташриф буюрган Чехия Республикаси парламенти Сенати раисининг биринчи ўринбосари Пржемисл Сobotка раҳбарлигидаги делегация 2 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илгизар Собиров билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Чехия ўртасидаги алоқалар кўплай жабҳаларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Бу йўналишдаги ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида парламент делегацияларининг учрашувлари мунтазам равишда ўтказилмоқда.

Учрашувда икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Мехмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида маълумот берилди.

Чехия парламенти делегацияси аъзолари шу кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмухамедова билан ҳам музокаралар ўтказди.

Чехия делегацияси аъзоларининг Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг раиси Алишер Шайхон билан учрашувида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сарможий ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқбол, бизнес ва молния доиралари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

позициясига суянган ҳолда тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Сайловдн ташвиқотини ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини белгиловчи моддаларга сайловдн ташвиқотини нафақат сайлов кунини, балки овоз бериш бошланганидан бир кун олдин ҳам олиб бориш мумкин эмаслиги тўғрисидаги нормани киритиш овоз бериш жараёнида сайловчининг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалашини таъминловчи муҳим қарор қабул қилинди.

Давра суҳбати қатнашчиларининг фикрича, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича конференциясида кузатувчиларнинг иштирок этиш ҳуқуқини белгилаб берадиган қўшимча киритилиши, шубҳасиз, Экоҳаракатдан депутатлар сайлаш жараёнининг очик ва ошкоралигини таъминлашга хизмат қилади.

Давра суҳбатида таъкидлаб ўтилганидек, Концепцияда сайлов ҳуқуқини эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш бўйича белгиланган қатор тақлифлар жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида сайлов жараёнини тобора либераллаштириш, унинг очиклигини таъминлаш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин ва мустақил билдиришлари учун мавжуд механизмларни янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлади.

Давра суҳбати қизгин муҳокамалар ва савол-жавоблар руҳида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот хизмати

### Марказий сайлов комиссиясида Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган устувор вазифалардан бири — сайлов ҳуқуқини эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси, Тошкент вилояти ва шаҳар сайлов комиссияларининг аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Конституциявий суд, Ўзбекистон Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, сиёсий партиялар, Ўзбекистон экологик ҳаракати, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш институти ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Қўчқор Тоғаев миллий сайлов қонунчилигини такомиллаштиришнинг аҳамияти ҳақида фикр юритди. Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузаси мамлакатимизни ислох этиш ва демократлаштириш жараёнини, давлат ва жамият қурилиши соҳасини, ҳуқуқий тизимини, шу жумладан, сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Улугбек Муҳаммадиев ва бошқаларнинг чиқишларида таъ-

кидланганидек, кейинги йилларда бўлиб ўтган сайловлар натижалари, партияларо рақобатнинг кучайиши сайловдн ташвиқотининг шакли ва усуллари тобора турли-туман ва кенг миқёсга эга бўлиб бораётганини кўрсатмоқда. Шу нуқтаи назардан, Президентимиз то-

### САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

монидан «сайловдн ташвиқоти» тушунчасининг, бундай ташвиқотни олиб бориш шартлари, турлари, руҳсат этилган шакл ҳамда усуллари сайлов қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйиш борасидаги ташаббуслари ўта муҳим жараён ҳисобланган сайловдн ташвиқотида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш механизмларининг самарадорлигини ошириш, сайлов кампанияси жараёнига турли хил ноқобил қучлар аралашувининг олдини олиш, сайловчиларга ўз сиёсий қарашларини мустақил билдириш, номзод ва партия ҳақида мустаҳкам фуқаролик

### ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** «Тезинтом» қўшма корхонасида Маънавият тарғибот маркази Мирзо Улугбек туман бўлими ташаббуси билан «Буюк ва муқаддас Ватаним!» шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

✓ **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодиёт университетида Мустақиллик байрамининг 20 йиллигига бағишланган «Мен севаман, Ўзбекистонни!» мавзусида танлов бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Шайхонтоҳур туманидаги «Бўстон» маҳалласида «Ҳар бир фарзандага меҳр, эътибор!» ҳафталиги доирасида болажонлар учун қизиқarli учрашув, қувноқ томоша, турли спорт мусобақалари уюштирилиб, эсдалик совғалари топширилди.

### ЖАҲОНДА

• Еврокомиссия Россиядан Европа Иттифоқидан мева-сабзавотларни мамлакат ҳудудига киритиш юзасидан тақиқловни бекор қилишни сўрамоқда.

• Усама бин Лодинни йўқ қилишга қаратилган операция Покистон ҳамда АҚШ ўртасидаги муносабатларни совиштиб юборди. Жумладан, Покистон ўз ҳудудида фаолият кўрсатаётган Америк ҳарбий маслаҳатчилари сонини кескин камайтиришни кўзда тутмоқда.

• Кеча Удмуртиядаги Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий асқалар сақланадиган 18 та омборда ёнғин чиқди. Шу боис зудлик билан яқин-атрофдаги 13 минг киши хавфсиз жойларга кўчирилди. Ҳозирда кучли ёнғинни яиллаш ишларида махсус самолётлар ҳам жалб этилган.

• Россия ва Канада ўртасида фан ва инновация соҳаларида ҳамкорлик юзасидан битим имзоланди.

• Кеча Ўрта Ер денгизида 800 нафарга яқин африкалик қочқинларни Италия томон элтаётган кема ноқулай об-ҳаво шароити боис сувга фарқ бўлди.

• «Индевор» шаттли 6 нафар астронавт иштирокида коинотга сўнги парвозни амалга оширганидан сўнг Флоридада қўнди. Американинг мазкур космик кемаси учун ушбу парвоз йиғирма бешинчиси ва охиригиси бўлди. Эндиликда «Индевор» мамлакатдаги музейларнинг биридан ўрин олади.

**Ўзбекистонда монополистик фаолиятни тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш, рақобат муҳитини изчил ривожлантириш, табиий монополиялар корхоналари фаолиятини назорат қилишни кучайтириш ва ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик, рақобат ва унинг ҳўқуқий базасини такомиллаштириш иқтисодийетни модернизация қилиш ва либераллаштириш шароитида асосий вазифадир.**

Бозор муносабатларининг асоси сифатида рақобатни ривожлантириш бўйича мамлакатимизда Юртбошимиз бошчилигида улкан ишлар амалга оширилди. Шу ўринда қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралдаги «Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ишларига бугунги кун ривожланиш реаллигидан келиб чиққан ҳолда янги талаблар қўйилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил қилинди. Шунингдек, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг асосий вазифалари ҳамда фаолияти йўналишлари этиб қўйиладиган белгиланди:

- монополияга қарши самарали сисёатни амалга ошириш, монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисидаги ва табиий монополиялар ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш;
- республикада рақобат муҳитини ривожлантириш, товарлар (хизматлар, ишлар) бозорларида, биринчи навбатда ички истеъмол бозорида ва реклама соҳасида ноинсоф рақобатга чек қўйиш, маҳаллий давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларга нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик учун ҳўқуқий майдонни янада такомиллаштириш, жамоат тузилмалари билан ҳамкорлик мувофиқлаштирилган ҳолда истеъмолчиларнинг қонуний манфаатлари ва ҳўқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш;
- иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати ва рақобатбардорлигини чуқур таҳлил қилиш, ҳўжалик юритувчи субъектларни таркибий ўзгартириш ва уларнинг банкротлиги соҳасидаги функцияларни амалга

ошириш, таркибий ўзгартириш, санация ва банкротлик масалаларини кўриб чиқишда давлат мафсааларини ифодалаш.

Республикада самарали рақобат сисёатининг амалга оширилиши, эркин бозор иқтисодиёти шароитида рақобат муҳитининг такомиллаштириш натижасида товар ва хизматлар бозорларининг монополиялашуви даражаси сезиларли даражада камайди. Маълумотларга қараганда сўнгги 10 йил мобайнида монополистик корхоналар сони 75,2 фоизга пасайди. 2004-2009 йилларнинг ўзида

да. Бошқача айтганда, ҳозирда монополистик фаолиятни нафақат товар бозорларида, балки молия бозорларида, қимматли қўғозлар бозорида, биржа савдоларида ҳам чеклаш чораларини кўришни давлатимизнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ҳам талаб этмоқда.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислоом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демок-

**Концепция: устувор вазифалар**  
**РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ —**  
**БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АСОСИ**

монопол маҳсулотларнинг республика ЯИМ ҳажмидаги улуши 26 фоиздан 20,8 фоизга пасайди. Ушбу кўрсаткич товар бозорларида устуник мавқеини эгаллаб турган корхоналарнинг қисқарганлигидан дарак беради.

Айни пайтда, монополияга қарши ишларни тартибга солиш тизимини, рақобат муҳитини изчил ривожлантириш ҳўқуқий базасининг такомиллаштирилиши, иқтисодийетни модернизация қилиш ва либераллаштириш талаблари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг назорат вазифаларининг қисқартирилиши, шунингдек, изчил ривожланиб бораётган тадбиркорлик субъектларининг иқтисодийетдаги муносабатлари монополияга қарши қонунчиликни янада такомиллаштириш заруриятини белгилаб берди. Зеро, сўнгги йилларда иқтисодийетимизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувининг кучайиши, бозорда турли молиявий, иқтисодий ҳамда мулкий муносабатларнинг янги шакллари ривожланиши натижасида бозор қўйган талаблари, яъни шаклланган муносабатларни тартибга солиш зарурияти юзга келмоқ-

ратик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида таъкидлаганидек, «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонуннинг бугунги кунда эскиргани ва замон талабларига жавоб бермай қолганини, шу билан бирга «Рақобат тўғрисида»ги янги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурияти илгари сурилди. Ушбу қонунда монополистик фаолиятни нафақат товарлар бозорида, балки молия бозорларида ҳам тартибга солишни назарда тутиш лозимлиги, шунингдек, биржа савдоларида ҳам монополияга қарши механизмларни, акцияларни сотиб олиш, қўйиш ва бирлаштириш битимларини тартибга солиш ва назорат қилиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш бўйича нормаларни ушбу қонунга киритиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Дарҳақиқат, амалдаги «Товар бозорларида монополистик фаолиятини чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонунда тартибга солинган «устуник мавқе», «шахслар гуруҳи», «монопол қиммат

нарх», «монопол арзон нарх», «камситувчи шартлар» каби тушунчаларга иқтисодий ривожланиш шароитидан келиб чиққан ҳолда янгича тавсифлаш, уларни аниқлаш мумкин бўлган алоҳида белгилар, мезонлар билан мустаҳкамлаш, қолаверса «рақобат» тушунчасига янгидан ҳўқуқий баҳо бериш ва унда нафақат товар бозорларидаги рақобат нуктаи назаридан, балки молия, қимматли қўғозлар бозори, биржа савдоларидаги рақобатни тартибга солиш нуктаи назаридан қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда.

Авваламбор, товар бозорларидаги муносабатларнинг молия хизматлари бозорларидаги муносабатлардан фарқини аниқлаштириш лозим. Зеро, товар бозорларида сотиш ёки алмаштиришни мақсад қилувчи фаолият маҳсуллари бўлиши маҳсулотлар, товарлар айланади. Молия хизматлари бозорида эса муносабатлар объекти бўлиб молия хизматлари намоён бўлади. Яъни, молия хизматлари пул маблағларини жалб этиш ва фойдаланиш билан боғлиқ фаолият ҳисобланиб, ушбу туркумга банк хизматлари, сугурта хизматлари, қимматли қўғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан қўрсатилган хизматлар киришини таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, мазкур муносабатлар субъектлари бўйича ҳам фарқланади. Жумладан, товар бозорларида ҳўжалик юритувчи субъектлар иштирок этса, молия бозорларида эса молия ташкилотлари иштирок этади. Бошқача айтганда, молия ташкилотлари товар бозорларидаги ҳўжалик юритувчи субъектлардан фарқли ўлароқ улар маҳсул ҳўқуқ лаёқатига эга бўлиб, фаолиятини лицензиялар асосида олиб борадилар. Хусусан, банклар, сугурта компаниялари, лизинг компаниялари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари молия ташкилотлари ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да илгари сурилган «Рақобат тўғрисида»ги янги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш демократик бозор ислохотлари ва иқтисодийетни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришнинг зарурий шarti бўлиб ҳисобланади.

**Д.АХМАТОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**  
**хузуридаги Амалдаги қонун**  
**ҳўжатлари**  
**мониторинги институти**  
**бош илмий ходими**

**ЁШ ТАДБИРКОР —**  
**КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ**

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракат Марказий кенгашида «Ёш тадбиркор — келажак пойдевори» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унинг доирасида ёш тадбиркорларнинг ҳўқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган «Менинг бизнес гоям» танлови иштирокчиларининг тақдироти ҳам ўтказилди.**

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депуталари, Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги, Давлат Солиқ қўмитаси мутахассислари, турли идора ва фирма раҳбарлари, тадбиркорлар ҳамда касп-хунар коллежи ўқувчилари иштирок этди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бу соҳага касб-хунар коллежи битиручиларини кенгроқ жалб этиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши томонидан «Ёш тадбиркор — юрта маддакор», «Ёш тадбиркор камолоти қишлоқ тараққийети кафолат» лойиҳалари, аънавий «Minitech.uz» кўргазмаи ўтказилиб келинмоқда. Мазкур лойиҳалар доирасида биргина 2010 йилнинг ўзида 1432 нафар коллеж битирувчиларига 4372 миллион сўмлик имтёзли кредитлар ажратилди. Жорий йилда ушбу лойиҳалар қўламини кенгайтириш, ёш тадбиркорларнинг ҳўқуқ ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида «Менинг бизнес гоям» кўрик-танлови ўтказилди.

Шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ҳаракатнинг худудий ва маҳаллий бўлимироқ қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маъказлари негизида 20 та «Ёш тадбиркор» консултив марказлари ташкил этилди.

Йилгилида ёш тадбиркорларнинг фаолиятида ғараётган турли муаммо ва камчиликлар, уларни мичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш, давлат рўйхатидан ўтишда ва тижорат банкларидан микрокредитлар олишда юзга келадиган қишлоқчиликларни бартаф этиш бўйича тўхталлиниб, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган ёшларга зарур маълумотлар берилди.

— Танловда касаначилик фаолиятига оид гилм тўқиш хунарини янада такомиллаштириш бораидаги лойиҳам билан иштирок этаяман, — дейди «Туркистон-пресс» муҳбирига Юнус Ражабий номдаги Тошкент педагогика коллежи 3-босқич таъбаси Нафиса Аҳмадова. — Асрлар давомида сақал топиб, халқимизнинг миллий хунарига айланган гилам тўқиш санъатини замонавий усулда йиғулаштириб, меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ишга жалб этиш ниятидаман. Ҳозир танловнинг иккита босқичидан муваффақиятли ўтдим ва учинчи, яъни бизнес лойиҳамнинг тақдиротини таъмоийиш этиш ҳаракатида турибман.

Тадбирда «Ташаббус-2011» танловида «Йилнинг энг яхши тадбиркори» номинацияси бўйича голбликни қўлга киритган Наманган вилояти «Замин-Туркистон» масъулияти чекланган жаиъяти раҳбари Б.Умаров ва тажрибали фермер Г.Шуқурова билан ёшларнинг амалий мулоқоти ташкил этилди.

Давра суҳбати сўнггида ўқувчилар ўртасида тдбиркорлик оид ҳўқуқий саводхонликни ошириш мақсадида викторина ўйинлари ҳамда қизиқарли жавол-жавоблар ўтказилди.

Азима ҚИЁСОВА

**Солиқ**

**ҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТ —**  
**ЭНГ АФЗАЛ ЙЎЛ**

**Бугун ҳеч кимни деярли барча соҳаларда рўй бераётган, жорий этилган янгича иш юритиш фаолиятлари билан ҳайратга солиб бўлмайди. Чунки тараққийет талаби шундай. Шу боис тўлов терминалларидан фойдаланиш ва ишини назорат қилиш тартиби бўйича ҳам республикаимиз миқёсида изчил тадбирлар амалга оширилмоқда.**

Айниқса, мамлакатимиз Президентининг «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва ҳўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида белгилаб берилган мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда фуқаролар ҳамда юридик субъектларнинг ўзларига тегишли маблағларни депозитга йўналтириши кейинги пайтда анча кучайди. Сабаби, бу борада барча тегишли идоралар, шу жумладан, пойтахтимизнинг Яққасарой тумани солиқ инспекцияси ходимлари ҳам ўзларига бириктирилган вазифаларни ўз вақтида адо этишга интилишяпти.

Масалан, жорий йилнинг 1 чораги бўйича таҳлил этадиган бўлсак, туман худудида рўйхатга олинган нақд пул билан савдо-сотик қилувчи субъектлар жами 1093 тани ташкил этишини назарда тутсак, улардан 895 таси назорат-касса машиналари орқали фаолият кўрсатса, 198 таси қвтанциядан фойдаланади. Мазкур субъектлар фаолиятида молиявий текширув тадбири натижасида 65 та қонунбузарликлар аниқланиб, шундан 56 тасида 4332 минг сўм маблағ НКМ хотирасига киритилмагани учун уларга нисбатан 101,9 миллион сўм миқдорда молиявий жарима қўлланилди.

Фуқаролар ҳамда юридик субъектлар ўртасида мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва қолаверса, қонуний фаолият кўрсатиш ҳар қандай шароитда ҳам энг афзал йўл эканлигини тарғиб этишга кўпроқ аҳамият бераялмиз. Бу эса ҳар томонлама фойда ва самара бериши аниқ.

**Носир ТОШПЎЛАТОВ,**  
**Яққасарой тумани ДСИ ходими**

**Қарор ва ижро**

**ҚИЗЛАР УЧУН СПОРТ**  
**КИЙИМЛАРИ**

**Ўзбекистонда келгусида жамиятимиз ҳамда мамлакатимизни янада жадал ривожлантиришнинг кафолати бўлган ёшларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Президентимиз Ислоом Каримовнинг 2002 йил 24 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ва 2004 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари бу борада муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.**

Ушбу йўналишдаги аниқ мақсадга қаратилган ишлар болаларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш имконини бермоқда. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда бу борада қатор ишларни амалга оширмоқда. Бунинг натижасида 2010 йилда 6-15 ёшдаги 1,6 миллион нафар бола спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланмоқда. Айни пайтда бу кўрсаткич 2008 йилдаги 29,2 фоиз ўрнига 34,5 фоизни ташкил этса, қизлар ўртасида 24,1 фоиздан 30,9 фоизга ошди.

Спортнинг ҳар бир тури алоҳида анжомлар, спорт пойабзали ва кийимларни талаб қилади. Уларга бўлган эътиёж спорт кийимларини тайёрлаш учун яхлит ишлаб чиқариш объеклари тармогини ташкил қилиш ва бу, ўз навбатида, тўқимачилик санаятини янада ривожлантиришни тақозо этади. Мамлакатимиз корхоналари қисқа вақт ичида ички бозорни сифатли спорт кийимлари, айниқса, хотин-қизлар учун мўлжалланган спорт либослари билан таъминламоқда.

Спорт билан мунтазам шуғулланиш учун барча зарур шарт-шароитни яратиш мақсадида мамлакатимиз тўқимачилик корхоналари ҳар йили қизлар учун жаҳон стандартлари ва миллий хусусиятларни ўзида мўжассам этган маҳсул дизайн асосида миллионлаб спорт кийимларини ишлаб чиқармоқда. «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Осиё рамзи» дизайнёрлар ва модельёрлар уюшмаси билан ҳамкорликда спортчи қизлар учун янги дизайнда моделларни ишлаб чиқди. Бунда спорт формаларини тикиш бўйича жаҳон стандартлари, етакчи



ишлаб чиқарувчилар ва миллий хусусиятлар эътиборга олинди.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри учун тайёр спорт формалари тўпламини етказиб бериш режасини ишлаб чиқди.

Қизлар учун спорт кийимлари тўрт ёш гуруҳи бўйича (6-8, 9-12, 13-15, 16-18 ёш) тайёрланмоқда. Айни пайтда ишлаб чиқарувчи корхоналар рўйхати тузилди ва улар билан қизлар учун спорт формалари тўпламини тайёрлаш тўғрисида шартномалар имзоланди.

Таъкидлаш керакки, давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 10 мартда қабул қилинган Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғарма-

си ва болалар спорт объеклари, сузиш ҳавзалари, болалар мусика ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш бўйича манзилли дастурларининг 2011 йилга мўлжалланган бюджетини тасдиқлашга оид қарори доирасида «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясининг қизлар спорт формалари тўпламини ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган корхоналар учун солиқ юқини камайтириш қўзда тутилган.

Бугунги кунда қизлар учун спорт кийимларини ишлаб чиқаришга ҳозирлик ишлари ниҳоясига етказилди. Компания мутахассислари асосий ишлаб чиқариш жараёнини бошлади. Яқин вақт ичида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига дастлабки маҳсулотлар етказиб берилди.

Қайд этиш лозимки, корхоналар қизлар учун спорт кийимларини тайёрлаш учун калава сотиб олди. Ишлаб чиқариш объекларида хомашёга тўлиқ ишлов берилди, яъни тайёр трикотаж

**Фарзанд — ҳаёт қувончи. Бола йғиси эшитилган ҳонадон борки, у ерда шодлик, шодумонлик ҳўқмрон. Чунки ҳаётнинг гўзаллиги, оилавий бутунлик фарзандлар билан билинади, белгиланади. Болажон халқимиз. Ҳатто оғзимиздагини ҳам боламизга илинамиз. Унинг муваффақиятларидан кўнглимиз тоғ қадар юксалиши, хатоларидан ич-ичдан қунонишимиз ҳам шундан. Айниқса, улар улғайиб сенга суянк бўлишса, юрт қорига ярайдиган, эл ичра юзининг ёруғ қиладиган инсонлар бўлиб вояга етишса, юзинга чиқик торган ажинлар ёйилгандай, гўёки яшаргандай бўлар экансан. Ўғлим Бекмуроджонни армия сафига кузатган, бу туйғуларни янада теран ҳис қилдим.**

**ЎҒЛИМ ХИЗМАТДАН**  
**ҚАЙТДИ**

У банк коллежида ўқишни имтиёзли диплом билан битирди. Табиийки, оила даврасида бунини нишонладик, унинг келгуси орзулари, режалари билан қизиқдик. Шунда у бизга армияга кетмоқчилигини, зиммасидаги йигитлик бурчини ўташга аҳд қилганини айтди. Унинг бу қарори барчамизни бирдай қувонтирди. Шу кунги кечаси билан ухуломай чикдим. Ўғлимнинг миллий истиқлол гоъялари руҳида тарбия тоғланганидан, юрт юқига елка тутадиган, барча ҳавас қиладиган инсон бўлиб шаклланаётганидан, энг муҳими, ўз кучига ва келажакка ишончи юксалигидан беҳад таъбирландим, қувондим.

Хизмат давомида ўғлимдан тез-тез хат олиб турдик. Уларни ўқиб, Қуролли Кучларимиздаги ўзгаришлар, ҳарбий хизматчиларга яратилган шарт-шароитлар, уларнинг қомил инсон бўлиб шаклланишига қаратилган эътибор, ҳатто резервга бўшатирилганларидан кейин берилётган юксак имтиёз ва имкониятлар ҳақида муайян тушунчага, аниқ тасаввурга эга бўлдик. Бундан ташқари, ҳаёт мактаби аталмиш армияда ўтказган даври фарзандимнинг ҳар томонлама тобланиши, чиниқиб, баркамол инсон бўлиб шаклланишида муҳим аҳамият касб этганига амин бўлдик.

Мана, Бекмуроднинг миллий армиямиз сафида хизмат қилаётганига ҳам бир йил ўтди. У мударатли ҳарбий хизматнинг белгиланган даврини ўтаб, уйга қайтди. Унинг келишини барча интизорлик билан кутди, айниқса, унинг «Ўсиб келадиган йигитчаларнинг қунора эшик қоқиб «Бекмурод акам қачон қайтади?» деб сўраганларини айтмайсизми? Уларнинг аскар акаларидан армия ҳақида, мударатли ҳарбий хизмат тўғрисида маълумот олишга интилаётганини кўриб, ҳарбийлик юртимизда чиндан ҳам орзуга сазовор касбга айлиниб улгурганини англаб етдим. Энг муҳими, бу орзунинг ижобат бўлиши уларнинг жамиятда муносиб ўрин топишига хизмат қилади. Мамлакатимизда ана шундай Ватан манфаатларини ҳар нарсадан устуң қўядиган, юрт тақдирини ўз тақдирини деб биладиган авлод бор экан, эртанимиз бундан порлоқ, ютуқларимиз бардавом бўлиши шубҳасиз.

Мўтабар СОИПОВА

**М.МАМЕТОВА,**  
**Ўза муҳбири**  
**Аскар Ёқубов (Ўза)**  
**олган сурат**

**Истиқлол шарофати билан эркин ва фаровон ҳаёт, кучли фуқаролик жамияти сари одимлаб бораётган Ўзбекистон давлатлараро муносабатларни мустақамлаш ва янада юксалтириш мақсадида ташқи сиёсат ва дипломатия соҳасида ҳам изчил ишларни амалга ошириб келмоқда. Буларнинг бари давлатимиз халқаро майдонда ўз тамойиллари ва қатъий ёндошувларига эга давлат эканлигини намойён этмоқда.**

Давлатимиз Президенти таъкидлаганидек, «бугун ҳеч муболағасиз, гурур ва ифтихор билан айтиши мумкинки, мустақилликка эришганимиздан буён ўтган тарихан қисқа давр ичида мамлакатимиз дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрў-эътибори юксали бораётгани энг арвало бу — давлатимизнинг жаҳон аҳлига яхши маълум бўлган, минтақамиздаги барқарорлик ва хавфсизликни мустақамлашга қаратилган ташаббусларнинг амалии самарасида ўз ифодасини топмоқда; мамлакатимизнинг халқаро сиёсат майдонида олиб бораётган ҳар томонлама пухта ишланган, чуқур ўйланган ташқи сиёсатнинг натижаси сифатида намойён бўлмоқда».

Айтиб ўтиш жоизки, мустақил Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий муносабатлари бошқа давлатлар ички ишларига аралашмаслик, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, ҳамкорлик учун очиклик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик, халқаро ҳуқуқ меъёрларининг давлат ички меъёрларидан устуворлиги каби тамойилларга асосланган.

Бугунги кунда давлатимизнинг ташқи сиёсат ва дипломатияси соҳасида ўз салоҳияти ва анъаналари борасида аниқ асосланган ва узоққа мўлжалланган сиёсати шакланган. Ўзбекистон дипломатиясида йил сайин ҳақиқий дипломатик давлат хизмати — элчионалар, консулликлар, дипломатия шохобчалари, марказий дипломатик муассасалар тизими изчиллик билан иш олиб бормоқда, мамлакатимизнинг халқаро алоқаларнинг фаол қатнашчиси эканлиги ҳам амалда ўз тасдиғини топмоқда ва ҳамкор давлатлар томонидан эътироф этилмоқда.

Ўзбекистонни халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида 200 га яқин давлат тан олган. Шу кунгача дунёдаги 130 га яқин мамлакатлар билан расмий дипломатик алоқалар ўрнатилган. Тошкентда 200 га яқин хорижий мамлакатларнинг элчионалари, ҳукуматлараро, халқаро ташкилотларнинг ва ноҳукумат халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари иш олиб бормоқда. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги элчионалари ва ваколатхоналари, сони ҳам йилдан йилга ошиб бормоқда.

Халқаро майдонда Ўзбекистон умумбашарий ва минтақавий аҳамиятга эга қатор ташаббусларни илгари сурмоқда. Давлатимиз жаҳон майдонида ўз мустақил сиёсати билан қатнашар экан, ўз ташаббусларини собитқадамлик билан ҳимоя қилмоқда ва бу ташаббуслар нуфузли халқаро ташкилотлар, давлатлар томонидан эътиборга олинмоқда.

Шуни ҳам тан олиш керакки, ташқи сиёсат ва дипломатия соҳасида белгилаб олинган вазифаларни бажариши, бу борада юксак ютуқларга эришиш ўз-ўзидан эмас, балки халқаро майдонда юзага келаётган мураккаб бир шароитларда эришилмоқда. Ташқи сиёсатни амалга ошириш юксак дипломатик маҳорат талаб этади ва бу йўналишдаги вазифалар давлатимизнинг дипломатик хизмати зиммасига юклатилган. Шу жиҳатдан халқаро муносабатлардаги кечаётган жараёнларни ҳаққоний равишда таҳлил қилиш ва Ўзбекистон миллий манфаатларига ташқи дунёдан келаётган хавф-хатарларнинг ўз вақтида олдини олиш учун дипломатик хизмат фаолиятини чуқурроқ ўрганиш, бу соҳани янада такомиллаштириш, шунингдек, халқаро ташкилотлар, дунё мамлакатлари билан ўзаро муносабатларни ўрнатишда дипломатик хизматнинг ўзига хос хусусиятларини очиб долзарб эканлигини кўрсатади.

Халқаро ҳуқуқ ва унинг таркибий қисми ҳисобланган дипломатик ҳуқуқ соҳасидаги олимлар, мутахассислар ва ишланувчилар томонидан «дипломатия», «дипломатик хизмат» тушунчаларига турлича қарашлар, талқинлар берилди.

Дипломатияга таъриф берилганида, етуқ олим ва мутахассислар унинг ташқи сиёсатни амал ошириш восити

муаммо ва низоларни тинч йўллар билан ҳал этишга, ўзаро манфаатли алоқаларни янада ривожлантиришга қаратилган, десак хато бўлмайди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг халқаро ҳуқуқнинг тенг субъектига айланиб, ўз тақдирини ўзи белгилайдиган, умумбашарий қадриятлар устуворлигига асосланган, инсонпарварлик қоидаларини тан олган, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдек олий мақсадларни ўз олдида кўйган давлат ҳисобланади. Мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувлиқни таъминлаб берадиган халқимизнинг бой тарихи, урф-одатлари, анъаналарини қадрлайдиган ва тиклайдиган, барқарор бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтаётган, ҳар томонлама ички ва ташқи сиёсатни амалга ошираётган, аҳоли турмушини яхшилаш, ижтимоий ҳимояни олий мақсад қилиб кўйган келажақ буюк давлатдир.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг танлаган тадрижий ривожланиш йўли қанчалик тўғри эканлиги хусуси-

**ТИНЧЛИК  
ВА БАРҚАРОРЛИК  
ОМИЛИ**

таси, дипломатик хизмат эса давлат тизими доирасида ташкил этилган хизмат тури эканлигини таъкидлайди. Жумладан, халқаро ва дипломатик ҳуқуқ соҳаси олимлари С. Мирқосимов ва М. Раҳимова «Дипломатия халқлар, давлатлар ўртасида пайдо бўладиган турли низо ва келишмовчиликларни юзага чиқарувчи муаммоларни ноҳарбий, тинчлик йўллари, усул ва воситалари билан ҳал этиш, давлатлар ўртасида турли соҳалар бўйича ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ва уни ривожлантиришда алоҳида ўрин тутди», деб фикр билдиришган.

Ташқи сиёсат борасидаги ушбу таърифларга қўшилган ҳолда, ҳозирги замон дипломатияси моҳиятидан, барча давлатлар ўзга давлатлар билан деярли ҳамма соҳаларда муносабатлар ўрнатишга ҳаракат қилишини, бунда давлатлар ўз ички имкониятлари, талаб-эҳтиёжларига таянган ҳолда алоқаларни ривожлантиришга эътибор қаратишини, ҳозирги даврда давлатлараро муносабатларда қайси соҳаларга асосий эътибор қаратилса, дипломатияни ўша соҳа номи билан қўшиб айтиш тартиби қабул қилинганлигини таъкидлаш керак.

Сиёсий дипломатия, ҳарбий дипломатия, иқтисодий дипломатия каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти ҳам аслида давлатлар ўртасидаги соҳавий

да фикр билдирар экан, «биз мустақил тараққиёт йўлида кенг қўламли ислохотларни изчиллик билан олиб бормоқдамиз. Бу борада биз танлаган модель, жамият ҳаётини эркинлаштириш жараёнлари амалда ўз-ўзини оқлаганини кўп-кўп мисолларда кўришимиз қийин эмас. Бу ҳаётимизнинг деярли барча жабҳаларида ўз тасдиғи ва исботини топган, кўпчилик томонидан тан олинган ҳақиқатдир», дея таъкидлайди.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси кўплаб жуда муҳим халқаро шартнома ва конвенцияларга қўшилди. Дунё мамлакатлари билан қилинаётган ўзаро фойдалар ҳамкорлик ва алоқаларнинг кенгайиб бораётганлиги давлатимиз салоҳиятини юзага чиқариш, мустақиллигимизни мустақамлаш, демократик ва бозор ислохотлари йўлидан муваффақиятли ҳаракат қилиш учун кенг имкониятлар очиб беради.

Айтиш жоизки, дипломатик ҳуқуқда давлатларнинг дипломатик ҳуқуққа оид ички қонунчилиги ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистонда ички давлат қонунчилик тизимида дипломатик ҳуқуққа оид бир қанча ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, халқаро миқёсда дипломатик фаолият юритиш учун ишончли ҳуқуқий манба вазифасини ўтайди. Ўзбекистон Конституцияси, «Ўзбекистон Республикасининг ташқи

сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхона бошлиқларини тайинлаш ва қақриб олиш тартиби тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида дипломатик ходимларга дипломатик даража ва мартабаларни белгилаш тўғрисида»ги Қонунлар бу манбаларнинг асосини ташкил этади.

Миллий қонунчиликнинг бу меъёрлари бир томондан ўз давлат ташқи ишлар идораси, унинг чет элдаги дипломатик ваколатхона ва консуллик муассасалари ходимларининг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солиш, иккинчи томондан эса чет эл дипломатик ваколатхона ва консуллик муассасалари ҳамда улар ходимларига ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириши учун қулай шароит яратди.

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда фаолият юритаётган чет эл дипломатик ваколатхона ва консуллик муассасаларининг ҳуқуқ, мажбуриятлари халқаро конвенциялар, икки томонлама шартномалардан ташқари, бизнинг тегишли миллий меъёрий ҳужжатларимиз билан ҳам тартибга солинади.

Ўзбекистон дипломатик хизмати ўзининг шаклланиш ва ривожланиш босқичи жараёнида асосий қийинчиликларни муваффақият билан енгиб ўтди. Айни пайтда бу соҳадаги асосий вазифалардан хизмат тузилмаларини янада такомиллаштириш, дипломатик кадрларни танлаш ва тайёрлашни сифат жиҳатидан юқори поғонага кўтариш, дипломатиянинг илгор тажрибаларини ўрганиш, уларнинг илмий асосларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда мамлакатимизда дипломатик ҳуқуқдаги дипломатик иммунитет ва имтиёзларни амалга ошириш муаммоларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бу масала халқаро ҳуқуқ борасида нисбатан кенг қўламли ҳисобланади. Имтиёзлар ва иммунитетлар татбиқ этиладиган дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари хизматчилари Ўзбекистон Республикаси қонун ва қоидаларини, халқимизнинг анъана ва урф-одатларини ҳурмат қилишга мажбурдир.

Мустақил Ўзбекистоннинг дипломатик хизмати дунё мамлакатлари билан сиёсий, иқтисодий, маданий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги алоқалар ривожланишида салмоқли ҳисса қўшиб, мамлакатимиз ва унинг фуқаролари манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда давлатимизнинг тинчликсевар ташқи сиёсатини жаҳонга ёйишда энг муҳим воситалардан бирига айланмоқда.

Албатта, ҳозирги интеграциялашув жараёнида давлатимиз хорижий мамлакатлар билан бундан кейин ҳам кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш, умумжаҳон ва минтақавий ташкилотлар ишида фаол қатнашишдан манфаатдор ва бу сиёсат Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини янада оширишга хизмат қилади.

**Баҳодир БОЙМОНОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти ҳузуридаги Давлат**  
**ва жамият қурилиш**  
**академияси тингловчиси**

**5 июнь — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни**

**САЙЁРАМИЗ ЯШИЛ БОЙЛИКЛАРИНИ АСРАШ — БУРЧИМИЗ**

**Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари барча давлатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим таркибий қисмига айланган. Ҳар йили нишонланадиган Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни ҳам ер қуррасининг табиати, бойликларини асраш ва келгуси авлодларга етказишнинг қанчалик муҳим масала эканлигини кенг жамоатчиликка етказишга бағишланган.**

Жорий йилда ушбу сана «Урмонлар: табиат имкониятларидан фойдаланиб» шиори остида ўтказилмоқда. Албатта, пойтахтимиз каби улкан мегаполисда ўрмонлар бўлмаса-да, бироқ яшил бойликлар унда жуда кўп. Уларнинг майдони 15 минг гектарга яқин ёки шаҳримиз бутун ҳудудининг 30 фоизини ташкил этади. Тошкент шаҳрида 102 тур ва 48 оилага мансуб 220 хилдаги дарактлар ўсади. Таъкидлаш керакки, шаҳримизда атроф-муҳитга зарар етказиш, экологик барқарорликни бузишга қаратилган ҳар қандай уринишга кескин тўсиқ қўйилади. Чунинчи, 1991 йилдан 2011 йилга қадар 21 мингдан ортиқ киши шундай хатти-ҳаракатлари туфайли маъмурий жавобгарликка тортилди, ўсимлик дунёсига етказилган зарар учун 4500 дан ортиқ давво аризалари кўзга тилиди, пойтахт прокуратураси томонидан 52 та жиноий иш очилди. Яшил бойликлар, биринчи навбатда дарактлар шаҳарнинг санитария-гигиена ҳолати ва микроклиминини яхшиловчи муҳим омил, ҳавони тозалаш учун ўзига хос филтёр эканлигини тақдорлашга ҳоҳат бўлмаса керак. Яшил бойликларимизни асрашимиз, шунинг баробарида корхоналар томонидан атроф-муҳитга чиқарилаётган зарарли чиқиндилар ташқирини камайтириш, экологик хавф-хатарларнинг олдини олишга қаратилган аниқ чора-тадбирларни ҳам амалга оширишни сувайтирмаслигимиз керак.

— Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитаси учун 5 июнь нафақат байрам, балки атроф-муҳитни асраш йўлидаги 20 йиллик фаолиятимизга ўзига хос яқин яшашига даъват ҳамдир, — дейди кўмита раиси ўринбосари А.Мустафин. — Айтиш керакки, 1991 йилга солиштирганда зарарли моддаларнинг чиқарилиши микдори 399,3 минг тоннадан 2011 йил бошига келиб 354 минг тоннага ёки 32,6 фоизга камайди.

Ушбу рақамларга далил сифатида Ўзгидрометнинг 13 та махсус постидagi ифлослиқни мониторинги хизмати томонидан олиб борилаётган кузатувлар асосида ҳам асосий ифлослантирувчи моддалар бўйича ҳаво ҳавасининг ҳолати сезиларли даражада яхшиланаётганини кўрсатишини келтириш мумкин. Чунинчи, кейинги беш йил ичида чанг, олtingyурт дioxиди, углерод оксиди, азот оксиди, аммиак ва фенол билан атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси санитария-гигиена меъёрлари даражасида бўлмоқда.

Этилли бензиндан фойдаланиш ҳажми ҳам энг кам даражага етказилди. Яъни, 1991 йилдаги 100 фоиздан 2011 йили 6 фоизга тушди. Бу ҳавога онкологик касалликларни келтириб чиқарадиган кўрғошнинг бирикмалари чиқарилишининг сезиларли даражада камайишига имкон яратди.

Кейинги 20 йил ичида атроф-муҳитга зарарли чиқиндиларнинг қиқарилиши 130,6 минг тоннага камайди, бу демак 450 миллиард сўмлик иқтисодий зарарнинг олди олинган.

Шаҳримизда ичимлик суви таъминоти 99 фоиз, оқва сувлар иншоотлари ўрнатилиши 92 фоизни ташкил этади ва бундай кўрсаткич билан Европанинг ҳар қандай пойтахти фахрланиши мумкин. Агарда 1991 йилда очик сув ҳавзаларига 70 дан ортиқ корхоналар оқва сувларини чиқарган, бунда 50 дан ортиғи санаот оқваларини деярли тозаланамаган бўлса, 2011 йилга келиб йилгига умумий ҳажми 25 миллион м<sup>3</sup> бўлган 46 та корхонанинг оқва сувларининг шаҳар каналларига чиқарилишига барҳам берилди.

Мақсадли равишда амалга оширилган кўп йиллик ишлар натижасида санаот оқваларини чиқариш ҳажми деярли икки бараварга камайди.

Кейинги бир неча йил давомида Тошкентда шаҳарнинг санитария ҳолатини яхшилаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан юзлаб чиқиндини йиғиш ва турларга ажратиш майдонлари жиҳозланди, янги техникалар харид қилинди, учта чиқиндини юклаш станцияси фойдаланишига топширилди.

Кўмита фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ёш авлоднинг экологик тарбияси, экологик билимлар тарғиботи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда олий ва ўрта махсус ўқув юрлари талабалари учун «Экология» дарслиги тайёрланди ва chop этилди. 1-4-синфлар учун ўқув қўлланмаси тайёрланди. 2008 йил июндан бошлаб оммавий ахборот воситалари ва олий ўқув юрларидаги соҳага тегишли кафедралар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатувчи Ахборот маркази ишлаб турибди.

Байрамни ўзига хос муваффақиятлар билан қутиб олар экан Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитаси жамоаси экологик муаммолар ва вазифаларнинг ечими экологик хавфсизликни таъминлашнинг устувор стратегик йўналишларини белгилаш ҳамда экологик хавф-хатарларнинг олдини олиш ва барҳам бериш бўйича аниқ савий-ҳаракатларни амалга оширишни тақозо этишини тушунади ва шу йўлда ҳаракат қилади.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**

Тошкент шаҳридаги Турин Политехника университети ва университет ҳузуридаги академик лицей жамоаси университет ректори Улугбек Ўбайдуллаевнинг Розуқуллова волидаи мухтарамаси

**Замира Эргашевна РОЗУҚУЛОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

**ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Бекобод тумани СИБ томонидан 14.10.2010 йилдаги № 17570-сон ижро ҳужжатига асосан, Ёшлик ХХСК омборхонасида сақланаётган, 2009 йилда и/ч., дав.бел. 10 L 233 BA бўлган «Нексия Дон» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи — 16 181 186 сўм. Аукцион савдосига Тошкент шаҳар ҳудудий СИБ томонидан 20.05.2010 йилдаги № 18-1005/12327-сон ижро варақасига асосан, «Сарбон Нефтегаз» корхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

T/P	Автомототранспорт воситаси номи	Ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами	Бошланғич нархи (сўм)
1	Mercedes S 500	2008 йилда иш/чиқ., дав/рақ. 10BE705	98 174 218
2	LEXUS LX 570	2008 йилда иш/чиқ., дав/рақ. 01 251 EAA	101 878 777
3	GMS 5AVANA 2500 S	2009 йилда иш/чиқ., дав/рақ. 01M000914	90 098 893
4	Mercedes S 500	2009 йилда иш/чиқ., дав/рақ. 01720KAA	113 556 539
5	Mercedes S 500	2009 йилда иш/чиқ., дав/рақ. 10BC707	192 972 870
6	Mercedes G 550	2009 йилда иш/чиқ., дав/рақ. 01702NAA	117 483 239
7	Mercedes ML 350	2008 йилда иш/чиқ., дав/рақ. 01 691 DAA	85 205 616
8	BMW 760 LI	2008 йилда иш/чиқ., дав/рақ. 01 251 DAA	107 670 461
9	Mercedes S 500	2009 йилда иш/чиқ., дав/рақ. M 7009	164 145 286
10	Mercedes ML 350	2008 йилда иш/чиқ., дав/рақ. 01 690 DAA	101 540 898
11	Mercedes S 280	2008 йилда иш/чиқ., дав/рақ. 01 070 GAA	97 014 383
12	LEXUS LX 570	2008 йилда иш/чиқ., дав/рақ. 10AD779	145 330 809
13	RANDROVER	2008 йилда иш/чиқ., дав/рақ. 10BJ006	133 000 939
14	LEXUS LX 570	2008 йилда иш/чиқ., дав/рақ. M0059	190 378 194
15	TOYOTA LAND CRUIZER	2008 йилда иш/чиқ., дав/рақ. 01 532 DAA	134 115 744
16	BMW 750IAL	2008 йилда иш/чиқ., дав/рақ. 10AR800	93 677 998

Аукцион савдолари 2011 йилнинг 30 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-ўйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқоридаги автотранспорт воситаларининг такоррий аукцион савдоси 2011 йилнинг 21 июль куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

2011 йил 16 июнь соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такоррий очик аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда: Чилонзор тумани СИБ томонидан 12.08.2008 йилдаги № 2-577-2008-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар «Шаркли Мелиса» жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 1994 йилда и/ч., дав.бел. M 47-25 бўлган «Форланд» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 9 129 224 сўм. 2. 1994 йилда и/ч., дав.бел. M 47-15 бўлган «Форд Транзит» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 9 904 362 сўм. 3. 1996 йилда и/ч., дав.бел. M 47-16 бўлган «Форд Транзит» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 11 237 779 сўм. 4. 1995 йилда и/ч., дав.бел. M 47-24 бўлган «Форд Транзит» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 9 269 087

сўм. 5. 1994 йилда и/ч., дав.бел. M 47-18 бўлган «Форд Транзит» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 9 825 927 сўм. 6. 1996 йилда и/ч., дав.бел. M 47-21 бўлган «Форд Транзит» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 11 684 855 сўм. 7. 1997 йилда и/ч., дав.бел. M 47-22 бўлган «Форд Транзит» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 11 654 855 сўм. 8. 1995 йилда и/ч., дав.бел. M 47-20 бўлган «Форд Транзит» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 9 618 631 сўм. 9. 1994 йилда и/ч., дав.бел. M 60-56 бўлган «Форд Транзит» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 8 663 351 сўм.

Аукцион савдосига Сергели тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар МЧК «Сергели ихтисослашган бозори» ҳудудида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 09.07.2010 йилдаги № 1-180/10-сон ижро варақасига асосан, 2008 йилда и/ч., дав.бел. 10 BG 228 бўлган «Ваз 21074» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 9 235 281 сўм. 2. 09.07.2010 йилдаги № 1-180/10-сон ижро варақасига асосан, 2008 йилда и/ч., дав.бел. 10 BG 240 бўлган «Ваз 21074» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 11 082 016 сўм. 3. 09.07.2010 йилдаги № 1-180/10-сон ижро варақасига асосан, 2008 йилда и/ч., дав.бел. 10 BG 227 бўлган «Ваз 21074» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 8 597 490 сўм. 4. 09.07.2010 йилдаги № 1-180/10-сон ижро варақасига асосан, 2008 йилда и/ч., дав.бел. 10 BG 223 бўлган «Ваз 21074» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 8 125 979 сўм. 5. 09.07.2010 йилдаги № 1-180/10-сон ижро варақасига асосан, 2007 йилда и/ч., дав.бел. 10 AC 201 бўлган «Такума» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 18 483 555 сўм. 01.06.2009 йилдаги № 2919/18-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Сергели тумани «143-сон автобаза» ҳудудида сақланаётган 1987 йилда ишлаб чиқ., дав.бел. 10 V 2027 бўлган «Ваз-21063» русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи — 1 783 104 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда зақалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ «Ипотечка банкнинг» Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206852268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш қимосиди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтати

## Спорт янгилклари

**Шаҳримиздаги «Пахтакор» стадиониди Бутунжаҳон чекишга қарши кураш куни муносабати билан «Биз спорт орқали чекишни енгамиз!» шиори остида спорт марафони бўлиб ўтди.**

Таъкидлаш жоизки, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таклифи билан 1988 йилдан бошлаб ҳар йили курраи заминда чекишга қарши кураш куни ўтказиб келинмоқда. Бундан мақсад ер юзидаги бутун жамоатчиликка тамаки чекишининг зарари, салбий оқибатлари ҳақида маълумот бериш, XXI асрда чекиш муаммоси билан хайрлашишдир. Бироқ ушбу муаммонинг ҳамон мавжудлиги сабабли чекишга қарши кураш давом этмоқда.

Тадбир ташкилотчиси — Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ҳар йилгидан фарқли ўлароқ бу гал масалага ўзгача ёндошди. Яъни, шаҳримиздаги ҳар бир касб-хунар коллежи ва академик лицейлардан биттадан ўқувчи иштирокида югуриш бўйича мара-



### СПОРТ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ГАРОВИ

фон ўтказилди. Шу орқали талаба-ёшларни спортга, соғлом турмуш тарзига жалб қилган ҳолда уларнинг бўш вақтларини унумли ташкил этишга ҳаракат қилинди. Зеро, соғлом турмуш тарзига амал қилган, мунтазам спорт билан шуғулланган ҳар бир ўсмир зарари одатлардан ҳисобланмиш

чекиш ҳақида умуман ўйлаб-ёшларни спортга, соғлом турмуш тарзига жалб қилган ҳолда уларнинг бўш вақтларини унумли ташкил этишга ҳаракат қилинди. Зеро, соғлом турмуш тарзига амал қилган, мунтазам спорт билан шуғулланган ҳар бир ўсмир зарари одатлардан ҳисобланмиш

Кизиқарли ўтган марафон якунида ғолиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди.

**И.ДИЛШОДОВ,**  
Козим Ўлмасов олган сурат

### ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

**Байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича бўлиб ўтган жаҳон кубогининг биринчи ва иккинчи босқич беллашувларида иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари шаҳримизга ёруғ юз билан қайтишди.**

Польшанинг Познан шаҳрида ташкил этилган жаҳон кубогининг биринчи босқич баҳсларида каноэда эшак эшиш баҳсларида иккинчи ўринга эришган бўлса, тўртликлар ўртасида 1000 метрга эшак эшиш баҳсларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Серик Мирбеков, Герасим Кочнев, Мерей Медетов ва Мирзиёв Хожиев бу сарфар ҳам Польшадаги натижани такрорлашди ва иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медаллар билан тақдирланди.

Хулоса ўрнида жаҳон кубогининг биринчи ва иккинчи босқич мусобақаларида битта олтин ва тўртта кумуш медални эгаллаган ҳамюртларимиз спортнинг ушбу тури бўйича дунё миқёсида энг кучли эканлигини яна бир қарра исбот этишганини таъкидлаш жоиз.

жаҳон кубогининг иккинчи босқичида Вадим Меньковга 1000 метрга эшак эшиш баҳсларида иккинчи ўринга эришган бўлса, тўртликлар ўртасида 1000 метрга эшак эшиш баҳсларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Серик Мирбеков, Герасим Кочнев, Мерей Медетов ва Мирзиёв Хожиев бу сарфар ҳам Польшадаги натижани такрорлашди ва иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медаллар билан тақдирланди.

Хулоса ўрнида жаҳон кубогининг биринчи ва иккинчи босқич мусобақаларида битта олтин ва тўртта кумуш медални эгаллаган ҳамюртларимиз спортнинг ушбу тури бўйича дунё миқёсида энг кучли эканлигини яна бир қарра исбот этишганини таъкидлаш жоиз.

**Шаҳримизда бадминтон бўйича уюштирилган мамлакат биринчилиги мусобақалари якунига етди.**

### БАДМИНТОНЧИЛАРИМИЗ ҲИНДИСТОНГА БОРИШАДИ

Шуниси қувонарлики, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган юз нафарга яқин спортчилар ўртасида кечган мurosасиз баҳсларнинг аксариятида ҳамшаҳарларимизнинг қўли баланд келди.

Катталар ўртасидаги яққалик баҳсларида ҳамшаҳаримиз Темури Каримов шохсупанинг энг юқори поғонасини забт этган бўлса, хотин-қизлар беллашувида андижонлик Сурайё Аҳмаджонова биринчи ўринни эгаллади. 1993 йилда туғилган ёшлар орасида пойтахтлик Артём Саватюгин ва Валерия Муратовага тенг келадиган рақиб топилмади. 1994 йилгача таваллуд топган ёшлар баҳсида ҳам пойтахтликлар — Беҳзод Оппоқўжаев ҳамда Мария Попова ғолиб бўлишди.

Шунингдек, эркалар ўртасида жуфтлик мусобақаларида яна тошкентликлар — Темури Каримов ва Артём Саватюгинлар бошқалардан маҳоратлироқ эканликларини исботлаб, биринчи ўринни қўлга киритган бўлишса, хотин-қизлар ўртасида Андижон вакиллари — Наргиза Тоштемирова, Чинора Қўчқорова галаба қозонди. Аралаш жуфтликда пойтахтлик — Темури Каримов ва Мария Пакина чемпионатга пухта тайёргарлик кўрганликларини ҳақамлар ҳайъати ҳамда мухлисларга намойиш эти олишди.

Мусобақада ғолиб ва совриндор бўлган бадминтончиларимиз Ҳиндистонда июль ойида ўтадиган Осиё чемпионатида иштирок этишадди.

**Ақбар ЙЎЛДОШЕВ**

### САМБО ЮЛДУЗЛАРИ ТОШКЕНТДА БЕЛЛАШМОҚДА

**Пойтахтимизда самбо бўйича Осиё очик чемпионати ва самбо юлдузлари ўртасида жаҳон чемпионати бошланди.**

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Осиё самбо федерацияси (ASF) ҳамда мамлакатимиз самбо федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган Осиё очик чемпионатида йигирмадан зиёд давлатдан 500 нафарга яқин спортчи тўққиз вази тоифасида ғолиблик учун куч синачмоқда. Мусобақа доирасида ташкил этиладиган самбо юлдузлари ўртасидаги жаҳон чемпионатида жаҳон чемпионатларида ғолиб ва совриндор бўлган номдор полвонлар гиламга чиқадди.

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида ташкил этилган мусобақанинг очилишида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун шарт-шароит яратиш, спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Юртимизда барча спорт турлари қатори самбо ҳам тобора ривожланмоқда. Қўллаб халқаро миқёсдаги мусобақаларда шохсупага кўтарилаётган ҳамюртларимиз сафи кенгаймоқда.

Мамлакатимизда кўплаб спорт турлари сингари самбо бўйича ҳам нуфузли спорт анжуманлари юқори савияда ўтказилмоқда. Тошкент шаҳри бир неча марта ба китъа чемпионати, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида жаҳон биринчилиги, катталар, фахрийлар, жанговар самбо юлдузлари ҳамда самбо юлдузлари иштирокида жаҳон чемпионатларига мезбонлик қилди. 2010 йилнинг ноябрь ойида пойтахтимизда самбо бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати Халқаро ҳаваскорлар самбо федерацияси вакиллари, хорижлик мутахассислар ва спортчилар томонидан юқори баҳоланди. Дунёнинг қирққа яқин давлатидан беш юз нафардан зиёд

самбочи иштирок этган мазкур нуфузли мусобақада спортчиларимиз бир олтин, уч кумуш ва 11 бронза медални қўлга киритди.

— Мазкур нуфузли мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган спортчилар республика миқёсида ўтказилган чемпионат ва турнирларда саралаб олинди, — деди ЎЗА муҳбирига самбо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Равшан Аҳмаджонов. — Улар сафида Шавкат Жўраев, Элдор Фуломов, Дамир Муҳидов, Азамат Турданов, Шаҳбоз Қўчқоров, Сарбон Эрназаров, Дилдора Убайдуллаева, Наргиза Исматова каби жаҳон, китъа чемпионатлари ғолиб ва совриндорлари билан бир қаторда иқтидорли ёш самбочилар ҳам бор.

Ўзбекистондан кўплаб спорт турлари қатори самбо бўйича ҳам кучли спортчилар етишиб чиқмоқда, — дейди самбо бўйича Россия хотин-қизлар терма жамоаси бош мураббийи Юрий Борисичкин. — Гузал ва бетакрор пойтахтингиз Тошкент шаҳрида бир неча йилдири самбо бўйича китъа ва жаҳон чемпионатлари юқори савияда ташкил этилмоқда. Бу, мазкур спорт турининг нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Осиёда омалашшига хизмат қилмоқда.

Бу галги мусобақада самбо омалашаётган Афғонистон, Ҳиндистон, Непал, Покистон сингари давлатлардан келган спортчилар ҳам иштирок этаётгани ушбу спорт турининг географияси кенгаётганидан далолатдир.

Мусобақанинг биринчи куни эркалар ва хотин-қизлар ўртасида китъа чемпионлиги учун курашадиган самбочилар гиламга чиқди.

Ҳамюртларимиз — самбо бўйича икки қарра жаҳон чемпиони Шавкат Жўраев ва Дилдора Убайдуллаева шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ**

**Маълумотларга кўра, шу йили жами қирқ мингдан зиёд битирувчилар олий ва ўрта махсус ўқув юрларига ўқишга кириш учун ҳужжатларини топширишадди. Қолган етти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган ўсмирларнинг аксарияти уч ой таътил мобайнида ёзги дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳлари сари йўл олишадди.**

### БАРЧА БИРДЕК МАСЪУЛ...

Шу муносабат билан, ҳар йили 25 майга қадар тегишли корхона-ташкилотлар ўз тузилмалари негизидан оромгоҳларнинг ёзги мавсумга тайёргарлиги ҳақида махсус комиссияга маълумот тақдим этишадди. Шу юзасидан оромгоҳлар ва мактаблар қошида ташкил этиладиган кундузги дам олиш масканларида бир қанча давлат идоралари ва жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда масканларнинг хавфсизлик даражаси тўлиқ текширилиб, камчиликлар топиладиган ерда тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади.

Хавфсизлик тадбирлари таркибига, биринчи галда энгин хавфсизлиги қондалари киритилиб, уни таъминлашда доимий равишда оромгоҳдаги ишчи-хизматчилар орасида тушунтириш ишлари олиб борилади. Ўқувчиларнинг эҳтиёткорлик ҳиссини ошириш мақсадидан улар ўртасида махсус викториналар, суҳбатлар, ёш энгин учуриш дружиналари мусобақалари ўтказилаётир. Кези

келганда шунинг ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, айрим оромгоҳлардаги камчиликлар дам олувчилар, яъни болалар учун ўта хавфли саналиб, уларни бартафари этиш нафақат соҳа ходимларининг, балки шу ернинг мутасадди раҳбарларига ҳам бирдек боғлиқ.

Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ томонидан олиб борилаётган мониторинг натижаларига кўра, пойтахтдаги баъзи бир дам олиш масканларида ана шундай камчиликларга дуч келинган. Бу ҳақда шаҳар ИИББ Ёнғиннинг олдинчи олиш ва назоратини ташкил этиш бўлими муҳандиси майор Жалолидин Мухаммедов қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Жойлардаги болалар дам олиш оромгоҳларининг энгин хавфсизлиги ҳолати ўрганилганда, уларда айрим эътиборсизликларга йўл қўйилаётганлиги аниқланди. Учтепа туманидаги Ўрикзор мавзеси, Наво кўчасида жойлашган «Гулбахор» номли болалар оромгоҳининг умумий ер майдони 6,8 гектар бўлиб, унда саккизта

бино жойлашган. Худудда битта сув ҳавзаси мавжуд бўлиб, 10 та ёнғин ўчиргич ва шаҳар телефон алоқа тармоғи билан таъминланган. Бир қараганда, ҳеч қандай камчилик йўқдек. Бироқ ўрганиб чиқиш жараёнида ундаги электр тармоқлари очик ҳолда ўтказилганлиги, йўлаклардаги ёнғичан қопламали деворлар орқали ўтган электр симлари лаборатория синовидан ўтказилмаганлиги аниқланган. Бундан ташқари, хоналарда эвакуация чиқиш йўлларига автоном «чиқиш» ёзувлари ёриткичлари билан ўрнатилмаганлиги ҳамда оромгоҳдаги мавжуд павильонлар ёнғиндан автоматик равишда сезувчи ва хабар берувчи мосламалар билан жиҳозланмаганлиги аён бўлди. Бу каби ҳолатлар кимлар учундир жуда кичкина нарса бўлиб туюлиши мумкин, аммо ҳар бир арзимас деб қаралган нарсалардан кейинчалик жуда катта талафотлар келиб чиқиши тажрибамизда жуда кўп кузатишган. Шундай экан, ёзги таътил онларида фарзандларимизнинг дам олиш вақтини чин маънода сермазмун ўтказишга ҳар биримиз астойдил ҳаракат қилмоғимиз даркор.

Эслатиб ўтиш ўринли, жорий йилда пойтахт ўқувчилари учун 2 та ёзги дам олиш оромгоҳлари ҳамда 50 та мактаб шароитидаги кундузги оромгоҳлар хизмат қилиши режалаштирилган.

**Наргиза АСАДОВА,**  
«Туркистон-пресс»



### МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**ҲИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ**

**УМР ҲАҚИДА**

**Ким ёшлигида улуғлар сўзини олса, кексайганида унинг ўзи бўлади.**

**Салбий ишлардан ўзини тиймаган одам ўз умрининг лаззатларини барбод қилади.**

**Вақт орқага қайтмагани учун ҳам қайта яшаб бўлмайди.**

**Ақлли — қирқда тўлади, ақлсиз — ўттиздаёқ сўлади.**

**Кекса одамга қаттиқ гапирма, бир куни ақлинг кириб, қайтиб келганингда, у ўша ранжингни кўтариб кетган бўлади.**

**Умр ўтган сари тажриба беради.**

**Узоқ яшаш эмас, яхши яшаш керак.**

**Мангуликка — умр бир зарра.**

**Одамнинг умри япроққа ўхшайди.**

**Ҳар бир инсон ҳаётини йиғлаб бошлаган, илоҳа уни кулиб тугатсин!**

**ЧИНИҚИШ ВА САЛОМАТЛИК ҲАҚИДА**

**Чиниққандан касалликлар кўрқади.**

**Чаққонга чанг юкмас.**

**Бақувват дарахтга изғирин кор қилмайди.**

**Саломатлик — инсоннинг хазинаси.**

**Саломатлик — олтиндан қimmat.**

**Кувноқлар давраси — соғлиқ гулшани.**

**Ҳаётдан баҳра олишнинг воситаси саломатликда.**

**Соғлом одам кексайганини кеч кўради.**

**Чиниқиш ҳаётдан тўла бахраманд бўлишга эриштиради.**

**Чиниқиш кўп касалликларни ҳатлаб ўтиб кетади.**

**Чидамли одам гайратли ҳам бўлади.**

**Бақувват тан — саломатлик гарови.**

**Соғлом одамдаги ёшлик узоқ вақт сақланади.**

**Соғлом одамнинг орзу-умидлари ҳам соғлом бўлади.**

**Тўқис жамиятнинг одамлари хушчақчақ.**

**Хушчақчақ одам касалликлардан узоқ.**

**Танбаллик — эрта қаришдир.**

**Болтанинг кучи — чопувчининг билангида.**

(Давоми бор)

**ЎЗТИРОМЕТ**  
ХАВАР ҚИЛАДИ

Ўзгир, момақалдиқор бўлиши мумкин. Шарқдан гарбага томон секундида 7-12, вақти-вақти билан кучайган ҳолда секундида 15-20 метр тезликка шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 15-20, кундузи — 27-32 даража иссиқ бўлади.

Ўзгирмоетнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 4 июль куни Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарари моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратлади. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фазисага кўтарилади. Республика ҳудуди бўйича ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қисқа муддатли

**Бош муҳаррир**  
**Акмал АҚРОМОВ**  
Манзил: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОҚИМЛИГИ

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563  
ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар**  
**Матбуот ва ахборот**  
**бошқармасида 02-1-рақам**  
**билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
3885 нусхада босилади.  
Қорғо бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитига — 233-74-05 телефониغا мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашрий-матбуот акциядорлик компанияси босма хонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.